

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚАРШИЕВ АЛИШЕР ЭШМАМАТОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЛАЛМИКОР ШАРОИТИДА ЯНГИ ҚАТТИҚ
БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ
МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Қаршиев Алишер Эшмаматович

Қашқадарё вилояти лалмикор шароитида янги қаттиқ буғдой навларининг
дон ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири.....3

Каршиев Алишер Эшмаматович

Влияние сроков и норм посева на урожайность зерна новых сортов твердой
пшеницы в богарных условиях Кашкадарьинской области21

Karshiev Alisher Eshmamatovich

The influence of planting period and standards on grain yield of new durum wheat
varieties in rainfed areas of Kashkadarya province39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚАРШИЕВ АЛИШЕР ЭШМАМАТОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЛАЛМИКОР ШАРОИТИДА ЯНГИ ҚАТТИҚ
БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ
МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Qx574 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бобомирзаев Пирназар Хурсанович**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар: **Атабаева Халима Назаровна**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Бозоров Холмурод Махмудович
кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Тошкент Давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 29 август 2023 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag_info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-кават, кичик мажлислар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент Давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 549075 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2023 йил 4 августда тарқатилди.
(2023 йил 4 августдаги 14-рақамли реестр баённомаси)

**Г.Р.Холмуродова**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д.,
профессор.

А.А.Иминов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,
профессор.

Ф.Б.Намозов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. “Бугунги кунда дунёда лалмикор деҳқончилик қилинадиган майдонлар 1,4 млрд. гектарни ёки жами деҳқончилик майдонларининг 85-87 фоизини ташкил қилади”¹. Ҳозирги пайтда лалмикор ерлар асосан Афғонистон, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Судан, Туркия, Марказий Осиё давлатларида кенг тарқалган, лалмикор ерлар улкан аҳамиятга эга бўлиб, суғорилмайдиган ҳудудлардан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда самарали фойдаланиш имкониятини беради. Қаттиқ буғдой – бу иссиқ ва қуруқ иқлим экинидир. Қаттиқ буғдой энг муҳим донли экинлардан бири бўлиб, дунё бўйича қарийб 17 млн. гектардан ортиқ майдонда 38,1 млн. тонна қаттиқ буғдой дони етиштирилади. “Канада (5,2 млн/т), Италия (4,3 млн/т), Туркия (3,7 млн/т), АҚШ (2,3 млн/т), Қозоғистон (2,2 млн/т), Сурия (2,2 млн/т), Алжирия (2,2 млн/т), Франция (1,9 млн/т), Марокко (1,8 млн/т), Греция (1,1 млн/т), Испания (1,0 млн/т), Тунис (1,0 млн/т) қаттиқ буғдой етиштириш бўйича дунёнинг етакчи давлатлари ҳисобланади”². Мамлакатимизда қаттиқ буғдой 4,0 минг га майдонга экилиб, асосан Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида кўпроқ экилади. Қаттиқ буғдойнинг қулай экиш муддати ва меъёрларини аниқлаш ҳамда уни етиштиришнинг муҳим агротехнологик элементларини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунёда макарон ва қандолат саноатининг энг муҳим хомашёси бўлган қаттиқ буғдой (*Triticum durum*) дон ҳосилини етиштиришга талаб кундан кунга ошиб боришини ҳисобга олиб лалмикор ерлардан самарали фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳолини макарон ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда қаттиқ буғдойдан сифатли дон етиштириш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб, уни парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириб бориш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган устивор йўналишлари сифатида қуйидагилар “қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, 1,1 млн. гектар қишлоқ хўжалик ерларини ўзлаштириш, 535,6 минг гектар лалми ерлардан фойдаланиш самарадорлигини орттириш, бошоқли дон бозорида интервенция механизмларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш” бўйича чора-тадбирлар

¹<http://www.fao.org> 2020.

²Agronomy 2020, 10, 432; doi:10.3390/agronomy10030432

алоҳида белгилаб берилган³ вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади, танланган мавзу ҳар томонлама долзарб ва заруратдан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 546-сонли “2021 йилда бошоқли дон етиштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лалмикор ерларда қаттиқ буғдойнинг биологияси, селекцияси ва уруғчилиги, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган технологиясини ишлаб чиқиш бўйича хорижда Sourour Ayed, Imen Bouhaouel, Afef Othmani and Filippo Maria Bassi (Тунис), Hande Otu Borlu (Бангладеш), Hande Otu Borlu, Veli Celiktas, Sema Duzenli, Akbar Hossain, Ayman El Sabagh (Туркия), МДХ давлатларида М.М.Магомедов, А.С.Попов, В.А.Лиховидова (Россия), Н.А.Дуктова (Белоруссия), республикада Н.В.Покровский, М.Аманов, А.И.Ковалев, А.Аманов, Р.А.Удачин, И.Ш.Шахмедов, Ғ.Қ.Қурбонов, Н.М.Мамиров, Г.А.Лавронов, Н.Халилов, С.Ғайбуллаев, А.Ҳайитбоев, Ж.Т.Умаров, Х.Т.Адилов, Р.И.Сиддиқов, П.Х.Бобомирзаев, О.А.Аманов, Ҳ.Х.Қаршибоев каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо, сўнгги йилларда лалмикор ерларга экиш учун яратилиб Давлат реестрига киритилган ва Қашқадарё вилояти лалмикорлик шароитига мос янги қаттиқ буғдой навларини танлаш ва етиштириш технологияси элементлари экиш муддати ва меъёрларига таъсирчанлиги, уларнинг ҳосилдорлиги ва дон сифати бўйича қиёсий таҳлили, юқори иқтисодий самарадорликни таъминловчи қаттиқ буғдой етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш борасида илмий изланишлар етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти (собик Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали) нинг илмий тадқиқот ишлари режасининг № КХ-А-ҚХ-2018-083 “Суғориладиган ва лалмикор майдонларда қаттиқ буғдойнинг ташқи

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.

муҳит омилларига чидамли манба ва навлар яратиш ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилоятининг лалмикор қир-адирлик (текислик-адирлик) минтақаси типик бўз тупроқлари шароитида янги қаттиқ буғдой навларидан иқтисодий самарали ва юқори дон ҳосили етиштириш учун мақбул экиш муддати ва меъёрларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятининг лалмикор типик бўз тупроқлари шароитида қаттиқ буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун мақбул экиш муддати ва меъёрларини белгилаш;

экиш муддатлари ва меъёрларининг қаттиқ буғдойнинг дала унувчанлиги, қишлаб чиқиши, тупланиш даражаси, ўсимлик бўйи, ётиб қолиши, ўсиши ҳамда ривожланишига таъсирини аниқлаш;

қаттиқ буғдойнинг илдиз тизими ҳамда ер устки массасининг шаклланиши, фотосинтетик фаолиятга экиш муддати ва меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

экиш муддатлари ва меъёрларининг ҳосил структураси, ҳосилдорлиги ҳамда дон сифат кўрсаткичлари шаклланишига таъсирини аниқлаш;

ўрганилган агротехнологик унсурлар(элемент)нинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳамда мақбул экиш муддати ва меъёрларини ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг лалмикор қир-адирлик минтақаси, типик бўз тупроқ, қаттиқ буғдойнинг Жавохир, Мингчинор, Лангар, Ёқут-2014 навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, қаттиқ буғдойни экиш муддати ва меъёрлари ҳамда уларнинг ўзаро таъсири, қаттиқ буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, ўсимликларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари, ҳосилнинг шаклланиши, ҳосилдорлик ва доннинг сифати, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида дала ва лаборатория тажрибаларини қўйиш, фенологик кузатиш, биометрик ўлчовлар, физиологик таҳлиллар «Методы агрохимических анализов почв и растений», “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Государственные стандарты, Зерновые культуры, Методы анализа, Сборник” каби услубий қўлланмалар асосида, маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуби асосида Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилган, шунингдек, тадқиқотларимизда олинган панел маълумотлари асосида лалмикорликда қаттиқ буғдой ҳосилдорлигига таъсир этувчи омилларга иқтисодий баҳо беришда STATA-17 дастурлар пакетида “Ўзгарувчан таъсир” (Random effects) моделидан фойдаланилган ҳолда таҳлил натижалари олинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қаттиқ буғдой янги навларини экиш муддатлари ва меъёрлари Қашқадарё вилоятининг лалмикор қир-адирлик (текислик-адирлик) минтақаси типик бўз тупроқлари шароитида мақбуллаштирилган;

лалмикорликда қаттиқ буғдойнинг иқтисодий жиҳатдан самарали мақбул экиш муддатлари ва меъёрларида ўсимликнинг дала унувчанлиги, маҳсулдор ва умумий тупланиш, ўсимликларнинг қишга ва ётиб қолишга чидамлилиги киёсий жиҳатдан аниқланган;

қаттиқ буғдойни 21 октябрда гектарига 2,5 млн.унавчан уруғ экилганда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилиши боис энг юқори маҳсулдор тупланиш 2,08 дона ва 1 м² даги маҳсулдор поялар 218,8 дона шаклланиши аниқланган;

қаттиқ буғдой навларини 21 октябрда экилганда ўсимликларнинг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши учун мақбул шароит яратилиши ҳисобига назорат вариантыга нисбатан қишга чидамлилиги 3,1-4,2 %, яшовчанлиги (ўсимликларнинг ҳосилни йиғиштиришгача сақланиши) 3,8-4,1 %, 1 м² даги маҳсулдор поялар сони 19,5-21,5 дона, 1000 дона дон массаси 1,4-2,2 г ва ҳосилдорлик 2,8-3,4 ц/га юқори бўлиши аниқланган;

экиш муддати 1 октябр (назорат)дан кечикиши ва экиш меъёрини 2,0 (назорат) млн. дан 3,5 млн. унавчан уруғгача ошириб бориш билан ер устки (11,6-15,9 г) ва илдиз тизими массасини (71,4-109,1 г) пасайиши аниқланган;

қаттиқ буғдойнинг ассимиляцияцион юзаси баҳорги тупланиш даврида 1 октябр (назорат) вариантыда гектарига 2,5 млн унавчан уруғ экилганда 13,1 минг м²/га, 21 октябрда 14,7 минг м²/га, 11 ноябрда 6,5 минг м²/га, 1 декабрда 5,3 минг м²/га ни ташкил этганлиги ва ФП, ФСМ, қуруқ модда тўпланишига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири аниқланган;

қаттиқ буғдойнинг Жавохир, Мингчинор, Лангар ва Ёқут-2014 навларини 21 октябр муддатида гектарига 2,5 млн.дона унавчан уруғ ҳисобида экиб парваришlash иқтисодий жиҳатдан юқори рентабелли (46,5-65,0%) бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятининг лалмикор қир-адирлик (текислик-адирлик) минтақаси типик бўз тупроқлари шароитида қаттиқ буғдойнинг янги навларини экиш 21 октябрда ўтказилганда мақбул экиш муддати ҳисобига 1 октябр (назорат)га нисбатан Жавохир, Мингчинор, Лангар ва Ёқут-2014 навларини қишга чидамлилиги 3,1-4,2 % гача ошганлиги, қўшимча ҳосил навларга мувофиқ ҳолда гектаридан 3,0: 2,9: 3,4, 2,8 центнер олиниши аниқланган;

Мингчинор навини 21 октябрда гектарига 2,5 млн.унавчан уруғ экиб ўстирилганда гектаридан энг юқори ҳосил 18,6 ц/га ҳамда назорат муддатга нисбатан 3,2 ц/га, назорат меъёрга нисбатан 1,2 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган, кеч муддат 11 ноябр ва 1 декабр муддатларида экиш, экиш меъёрини гектарига 3,0 млн.га ошириш натижасида ҳосилдорлик экиш муддатларига мувофиқ ҳолда гектаридан 13,9 ц дан 16,8 центнерга етганлиги

аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги олиб борилган дала тажрибаларининг ҳолати ва бирламчи ҳужжатлар ҳар йили махсус апробация комиссияси ва мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқотлардан олинган натижаларнинг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижаларининг илмий журналларда чоп этилганлиги, монография, тавсияномалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилганлиги олинган натижаларининг ишончлигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг лалмикорлик қир-адирлик (текислик-адирлик) минтақаси типик бўз тупроқлари шароитида қаттиқ буғдойнинг Жавохир, Мингчинор, Лангар ва Ёқут-2014 навларининг уруғларини дала унувчанлиги, ўсимликларнинг ҳосилни йиғиштиришгача сақланиши, ўсиши, ривожланиши, ассимиляция юзаси ва фотосинтетик потенциали, қуруқ модданинг тўпланиши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ҳосил структураси, қулай экиш муддатлари ва экиш меъёрларида ўстириш технологияси элементлари илмий асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қаттиқ буғдойни юқори ҳосилли Мингчинор нави ажратилиб, мақбул экиш муддати (21.10) ва меъёри (гектарига 2,5 млн. дона унувчан уруғ), ўстириш технологияси ишлаб чиқилиб, илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқаришга тавсияномалар тайёрланганлиги ва Қашқадарё вилоятининг лалмикор қир-адирлик минтақаси шароитида қаттиқ буғдой етиштириш технологияси элементлари, яъни мақбул экиш муддатлари ва меъёрларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилоятининг лалмикор қир-адирлик (текислик-адирлик) минтақаси типик бўз тупроқлари шароитида янги қаттиқ буғдой навларининг дон ҳосилдорлигига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

Қашқадарё вилоятининг лалмикорликни қир-адирлик минтақаси шароитида деҳқон ва фермер хўжаликлари учун “Қашқадарё вилояти лалмикорлик шароитида янги қаттиқ буғдой навларини етиштиришда экиш муддати ва меъёрлари” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 8 сентябрдаги 07/23-04/6363-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома бугунги кунда Қашқадарё вилоятининг фермер хўжаликлари ва агрокластерларига қаттиқ буғдойдан юқори ҳосил олишда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

қаттиқ буғдойни Қашқадарё вилоятининг лалмикор қир-адирлик минтақаси шароити учун Жавохир, Мингчинор, Лангар ва Ёқут-2014 навларини етиштириш технологияси Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Қамаш, Кўкдала туманлари фермер хўжаликларида жами 195,8 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 8 сентябрдаги

07/23-04/6363-сон маълумотномаси). Натижада, мақбул экиш муддати ва меъёрида қўлланилган ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган экиш муддатлари ва меъёрларда ўстирилиши натижасида гектаридан 2,2-3,1 ц қўшимча дон ҳосили олинган;

Қашқадарё вилоятининг лалмикорликнинг қир-адирлик минтақаси шароитида қаттиқ буғдойнинг Мингчинор навини октябр ойининг учинчи ўн кунлигида гектарига 2,5 млн. унувчан уруғни типик бўз тупроқларида, ўтмишдош сифатида тоза шудгор бўлган далаларга экиш бўйича қўллаш технологияси 195,8 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 8 сентябрдаги 07/23-04/6363-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур технологияни жорий қилиш ҳисобига хўжаликларда ўртача 18,6 ц/га дон ҳосили олиниб гектаридан 1 млн. 495 минг сўм шартли соф фойда ва 65,0 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган, ишнинг асосий илмий натижалари бўйича 2 та Республика ва 3 та халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр эттирилган. Шунингдек, 1 та монография ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Лалмикорликда қаттиқ буғдойни етиштиришда экиш муддатлари ва меъёрларининг илмий манбалар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида Республикаимизнинг лалмикор тупроқларида қаттиқ буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг қулай муддатлари


ва меъёрларини танлаш, қаттиқ буғдой етиштириш самарадорлигига оид маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган.

Диссертациянинг “Тажриба ўтказиш шароитлари, услублари” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда лалми ерларнинг тавсифи ва агроиклим жиҳатдан минтақаларга бўлиниши, тажриба ўтказилган дала тупроқ-иклим шароити, тадқиқотлар объекти, дастури, тажриба тизими ва услублари, тажрибада қўлланилган агротехнологик тадбирлар батафсил баён этилган.

Дала тажрибалари иккита тузилма асосида қўйилди, яъни биринчи тажрибада экиш муддатларининг қаттиқ буғдой навларини дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири ўрганилган бўлса, иккинчи тажрибада экиш муддатлари ва меъёрларини ўзаро таъсири аниқланди.

Тажриба даласининг тупроғи типик бўз тупроқ, механик таркиби ўртача кумоқ, тупроқ ҳажмий массаси $1,26 \text{ г/см}^3$, солиштирама массаси $2,7 \text{ г/см}^3$. Тупроқларининг агрокимёвий тавсифи куйидагича: тупроқ хайдов (0-30 см) ва хайдов ости (30-60 см) қатламларида тегишли гумус миқдори 0,91; 0,82 %, ялли азот 0,070; 0,059, фосфор 0,142; 0,085 ва калий 2,1; 1,7 %, тупроқ муҳити реакцияси (рН) 7,2 эканлиги аниқланган.

Чимқўрғон метеостанцияси маълумотларига кўра, тажриба ўтказган 2018 йилда қаттиқ буғдой вегетацияси даврида (февраль-июн) ёғин сочин миқдори 109,8 мм ни ташкил этган (1-расм).



1-расм. Тажриба қўйилган минтақа ёғингарчилик миқдори, мм (Чимқўрғон метеостанция бўйича).

Бу кўрсаткич шу даврдаги қўп йиллик ўртача кўрсаткичга (230,2 мм) нисбатан 120,4 мм кам демакдир. 2019 йилда қаттиқ буғдой навлари вегетациясининг дастлабки босқичларида (туплаш-найчалаш) ёғин-сочин миқдори 311,2 мм ни ташкил этган. Лекин, 2018 йил лалмикор майдонларда кузги ғалла экинлар учун об-ҳаво шароитлари ноқулай келган. Бу йилда май-


июн ойларида (бошоқлаш-пишиш) ёғин-сочиннинг кўп йиллик ўртача меъёрига (49,2 мм) нисбатан анча кам (22,6 мм) бўлиши тупроқдаги намликнинг кескин камайишига олиб келган.

Ёғингарчиликнинг айниқса ўсимликнинг ҳосил тўплашида энг маъсулиятли даврда, яъни гуллаш, сут-мум пишиш босқичларида ниҳоятда кам бўлиши тупроқда намликнинг камайиб кетишига ва пировард натижада дон ҳосилининг камайишига олиб келган.

Кўп йиллик ёғингарчилик миқдори октябр ойида 14,6 мм ни, ноябр ойида 42,5 мм ни, декабр ойида эса 25,4 мм ни ташкил этади. Биз тажриба ўтказган 2017-2018 ҳосил йилида атмосфера ёғинлари кўп йилликка нисбатан 124,7 мм кам бўлиши эвазига ҳосилдорлик ҳам нисбатан кам бўлган.

2018-2019 ва 2019-2020 ҳосил йилларида йиллик ёғин миқдори кўп йилликка нисбатан йилларга мувофиқ ҳолда 44,8; 33,3 мм юқори бўлган ва бу буғдой ҳосилдорлигига ижобий таъсир этган.

Диссертациянинг “Лалмикор минтақаларда қаттиқ буғдойнинг янги навлари ўсиши ва ривожланишига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири” деб номланган учинчи бобида қаттиқ буғдой уруғларини мақбул экиш муддатдан эрта ва кеч ўтказилганда уруғларнинг дала унувчанлиги пасайганлиги кузатилган. Уруғларнинг дала унувчанлиги экиш муддатларига боғлиқ ҳолда Жавохир навида 59,5 дан 65,3 % гача, Мингчинорда 60,9 дан 67,0 % гача, Лангарда 60,0 дан 66,3 % гача ва Ёқут-2014 навида 60,3 дан 66,7 % гача ўзгарган.



2-расм. Қаттиқ буғдой навлари уруғлари унувчанлигининг экиш муддатларига коррелятив боғлиқлиги.

Уруғларнинг дала унувчанлиги юқори бўлиши октябрнинг учинчи ўн кунлигида (21.10) кузатилган, яъни уруғлар унувчанлиги 1 октябр (назорат)да экилгандагига нисбатан Жавохир, Мингчинор, Лангар, Ёқут-2014 навларига мувофиқ ҳолда 2,9; 2,7; 3,2; 3,3 % га ошган. Экиш муддати кечикиши билан барча қаттиқ буғдой навлари уруғлари дала унувчанлигининг камайиши кузатилган.

Қаттиқ буғдой навлари уруғлари унувчанлигининг экиш муддатларига боғлиқлиги таҳлил қилинганда, кўрсаткичлар орасида эгри чизиқли тавсифга эга бўлган боғлиқлик мавжуд бўлиб, регрессия тенгламаси $y = 56,5 + 8,65x - 1,95x^2$ ва корреляция коэффициенти $r=0,99$ га тенглиги аниқланди (2-расм).

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, экиш муддатлари ва меъёрлари майсаларнинг пайдо бўлиши ва буғдой туп қалинлигига таъсир кўрсатган.

Қаттиқ буғдойни Мингчинор нави 1 октябр (назорат)да экилганда уруғларнинг дала шароитда унувчанлиги экиш меъёри гектарига 2,0 млн. унувчан уруғ бўлганда энг юқори 65,1 % бўлган. Шундай қонуният экиш муддатлари 21 октябр, 11 ноябр ва 1 декабр муддатларида экилганда ҳам аниқланган. Экиш мақбул муддатлардан кеч ўтказилганда ҳамма экиш меъёрларида ҳам уруғларнинг дала унувчанлиги пасайиб борган.

Ўсимликларнинг қишга чидамлилигини юқори кўрсаткичи буғдой 21 октябрда экилганда кузатилган. 1 октябр (назорат)да ва кеч 11 ноябр ва 1 декабрда экилган қаттиқ буғдойда ўсимликларнинг қишга чидамлиги 21 октябрда экилганга нисбатан камайганлиги кузатилган. Ўрганилган навлардан Мингчинор нави 21 октябрда экилган пайкалларда ўсимликлар энг кам нобуд бўлганлиги, бинобарин бу нав учун энг мақбул экиш муддати 21 октябр эканлиги аниқланган. Экиш меъёрларини гектарига 2,0 млн.дона унувчан уруғдан 3,5 млн.дона унувчан уруғгача оширганда ўсимликларнинг қишлаши Мингчинор навида 6,1 % га камайганлиги аниқланган.

Қаттиқ буғдой навларининг ривожланиш фазалари ва ўсув даври давомийлиги, экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Қаттиқ буғдой навлари униб чиқиш-тупланиш даври экиш муддатларига (1.10 (назорат); 21.10; 11.11; 1.12) боғлиқ ҳолда 20 кундан 71 кунгача ўзгарган. Экиш муддатларининг кечикиши билан униб чиқиш тупланиш даврининг давомийлиги ортиб борган. Экиш 1 октябр (назорат)да ўтказилганда экиш-униб чиқишдан тупланиш фазасигача бўлган давр 56-69 кунни ташкил этган бўлса, 21 октябрда 36-70 кун, 11 ноябрда экилганда 28-71 кун, 1 декабрда экилганда 21-63 кунни ташкил этган. Кеч 11 ноябр ва 1 декабрда экилган пайкалларда тўлиқ тупланиш баҳорда кузатилган.

Мингчинор навини 1 октябр (назорат)да гектарига 2,0 млн. дона уруғ экилганда буғдой 199 кунда пишган бўлса, 11 ноябрда- 175 кун, 1 декабрда экилганда эса 149 кунда пишиб етилган.

Экиш муддатларининг 1 октябрдан 1 декабргача кечикиши натижасида барча навларда ўсимликларнинг бўйи пасайиши аниқланган.

Мингчинор навини 1 октябр (назорат)да гектарига 2,0 млн. уруғ экилганда ўсимлик бўйи 92,1 см бўлган бўлса, кеч (1.12) муддатда экилганда 7,6 см га пасайган. Бунга ўхшаш қонуният қолган экиш меъёрларида ҳам кузатилган.

Кузда экилган қаттиқ буғдой навларининг тупланиш жадаллиги камайиб боради. Кечки муддатда экилган буғдой уруғлари ҳароратнинг пасайиши туфайли кеч униб чиққан ва тупланиш тугунини ҳосил бўлиши баҳор даврига тўғри келган. Бу эса ҳар бир ўсимликда маҳсулдор поялар сонига таъсир

кўрсатган. Қаттиқ буғдой навларида юқори маҳсулдор тупланиш эрта экилган буғдойларда кузатилган. Бу кўрсаткич Жавохир, Мингчинор, Лангар, Ёкут-2014 навларига мувофиқ ҳолда 2,05; 2,13; 2,09; 2,07 донани ташкил этган.

Маҳсулдор пояларнинг 1 м^2 да энг юқори қалинлиги ҳамма навларда мақбул экиш муддатларида кузатилган. Жавохир, Мингчинор, Лангар, Ёкут-2014 навларида эрта муддатда экилганга нисбатан мақбул экиш муддатларида маҳсулдор поялар сони мувофиқ ҳолда 19,5; 20,9; 21,4; 19,5 донага ошган.

Экиш муддатлари ва меъёрларининг ўзаро таъсири натижасида қаттиқ буғдойнинг Мингчинор навида маҳсулдор тупланиш ва 1 м^2 даги маҳсулдор поялар сони ўзгариб боради. Эрта муддатда экилган қаттиқ буғдойнинг алоҳида олинган ўсимлигидаги маҳсулдор тупланиш мақбул ва кеч муддатларда экилган ўсимликларга нисбатан юқори бўлган.

Мақбул муддатда (21.10) ва меъёрда (2,5 млн/га) экилган Мингчинор навида 1 м^2 да 218,8 дон маҳсулдор поялар ҳосил қилган.

Лалмикорликнинг қир-адирлик минтақаси ерларида қаттиқ буғдой навлари мақбул муддат (21.10) ва меъёрда (2,5 млн/га) экилганда 1 м^2 майдонда кўп маҳсулдор поялар ҳосил қилган. Экиш муддатининг кечикиши (11.11; 1.12) билан маҳсулдор пояларнинг ошиши экиш меъёри гектарига 3,0 млн.дона унвчан уруғ экилганда кузатилган.

Ўсимликларни яшовчанлиги экиш муддатлари билан боғлиқ тажрибаларда энг юқори кўрсаткич 21 октябр муддатида экилганда қаттиқ буғдойнинг Мингчинор ва Лангар навларига мувофиқ ҳолда 62,2; 61,0 % бўлган бўлса, Жавохир ва Ёкут-2014 навларида бу кўрсаткич нисбатан паст, навларга мувофиқ ҳолда 57,0; 58,1 % бўлиши кузатилган.

Қаттиқ буғдой навларидан Мингчинор бошоғидаги бошоқчалар сонининг кўплиги билан бошқа навлардан фарқ қилган. Бу навда мақбул экиш муддатида бошоқдаги бошоқчалар сони 17,2 донга бўлган бўлса, Жавохирда 16,6, Лангарда 16,7, Ёкут-2014 да 17,1 донани ташкил этган. Экишни мақбул муддат (21.10)дан эрта ёки кеч ўтказиш билан бошоқдаги бошоқчалар сони камая борган.

Қаттиқ буғдой навларидан Мингчинор навининг бошоғи мақбул муддатда экилганда узун (7,5см) бўлганлиги аниқланган. Мингчинор навининг барча экиш муддатларида экиш меъёрларининг гектарига 2,0 млн. дан 3,5 млн.га ошиб бориши билан бошоқнинг узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони, бошоқдаги ва бошоқчалардаги дон сони камайиб бориши кузатилган.

Диссертациянинг “**Қаттиқ буғдой янги навлари дон ҳосили ва сифатининг экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариши**” деб номланган тўртинчи бобида ҳамма ўрганилган янги қаттиқ буғдой навларида қаттиқ буғдойнинг 1000 донга дон массаси экиш муддатлари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда 36,1 г дан 45,1 г гача ўзгарган. Қаттиқ буғдой навларини 1 октябр (назорат)да ёки кеч (1.12) экиш 1000 донга дон массасини мақбул муддатда (21.10) экилганга нисбатан сезиларли даражада камайишига олиб келган.

Экиш муддатлари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда доннинг натураси 775,3 г/л дан 820,5 г/л гача ўзгарган. Қаттиқ буғдойни 1 октябр (назорат)да ёки 1 декабрда экиш дон натурасини 21 октябрда экишга нисбатан камайишига олиб келган.

Экиш муддатлари ва меъёрларининг ўзаро таъсири бўйича ўтказилган тажрибаларда ҳамма экиш муддатларида экиш меъёрларининг ортиб бориши билан доннинг натураси камайиб бориши кузатилган.

Экиш муддатлари ва меъёрларининг ўзаро таъсири бўйича ўтказилган тажрибаларда ҳамма экиш муддатларида, экиш меъёрларининг ортиб бориши билан дон шишасимонлигини камайиши аниқланган. Мингчинор навини 1 октябр (назорат)да экиш меъёри гектарига 2,0 млн.донадан 3,5 млн.донагача оширилганда дон шишасимонлиги 8,6 % га, кеч (11.11) ва (1.12) экилганда мувофиқ ҳолда 10,7 % га, 21 октябр муддатида экилганда 6,4 % га камайган.

Дон таркибидаги оксилнинг миқдори экиш муддатлари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда 14,0 % дан 15,3 % гача ўзгарган. Навлар кесимида Жавохир навида дон таркибидаги оксил миқдори энг юқори, Мингчинор нави донида нисбатан оксил миқдори кам бўлиши аниқланган. Экиш муддатлари бўйича экиш 1 октябр (назорат)да экилган қаттиқ буғдой навлари дони таркибидаги оксил миқдорига нисбатан кеч (11.11) экилган ўсимликлар донидаги оксил миқдорининг кўп бўлиши кузатилган.

Дондаги клейковина миқдори экиш муддатлари ва навларга боғлиқ ҳолда 28,1 % дан 32,3 % гача ўзгарган. Дон таркибидаги юқори клейковина миқдори ҳамма навларда кечки экиш муддатларида бўлиши аниқланган. Экиш мақбул муддатдан кечикиши билан ҳосилдорлик пасайиб борган, оксил ва клейковина сақлаши ошиб борган.

Экиш муддатлари ва навлар бўйича бир гектардан чиқадиган клейковина миқдори 3,71 ц дан 5,58 ц гача ўзгарган. Клейковина ва оксилнинг 1 гектардан чиқими Мингчинор нави ҳамма экиш муддатлари бўйича Жавохир, Лангар, Ёқут-2014 навларига устунлик қилган.

Мингчинор навини экиш муддати 1 октябрда гектарига 2,0 (назорат) млн.дона унувчан уруғ экилганда қишлош олдидан 100 та ўсимликнинг илдиз массаси 13,6 г, ер устки массаси эса 28,5 г бўлганлиги аниқланган. Ўсимликнинг илдиз билан таъминланганлик даражаси 47,8 % ни ташкил этган. Экиш меъёрларини гектарига 2,0 млн. унувчан уруғ (назорат)дан 3,5 млн. унувчан уруғгача ошириб бориш билан илдиз, ер устки массаси, илдиз билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичлари камайиб бориши аниқланган.

Баргларнинг ўлчами мақбул экиш муддати 21 октябрда экилганда ҳамма экиш меъёрларида сезиларли даражада ошган. Қаттиқ буғдой тупланиш фазасида 21 октябр муддатида гектарига 2,5 млн. унувчан уруғ экилганда 1 гектар майдондаги ассимиляция юзаси 14,7 минг м² ҳосил бўлган.

Ҳамма экиш муддатларида экиш меъёрларининг ортиб бориши гуллаш фазасигача қуруқ моддаларнинг тўпланиши ҳам кўпайиб борган. Фақат 1 октябр (назорат)да экилган ўсимликларда гуллаш фазасига келиб экиш

меъёри гектарига 2,0 млн. дан 3,5 млн.га оширилганда куруқ моддани тўплаши гектарига 30,5 ц гача камайган.

Экиш меъёрларини ошириб бориш билан фотосинтез соф маҳсулдорлиги камайиб борган. Бошоқлаш-гуллаш фазасида энг юқори фотосинтез соф маҳсулдорлиги экиш меъёри 2,0 (назорат) млн. уруғ/га бўлганда 1,21 г/м² кун ва 2,5 млн. уруғ/га бўлганда эса, мувофиқ ҳолда 1,19 г/м² кун бўлиши кузатилган. Экиш меъёри гектарига 3,0 ва 3,5 млн. уруғ/га ошириш фотосинтез соф маҳсулдорлигини камайишига олиб келган.

1-жадвал

Экиш муддатларининг қаттиқ буғдой навлари ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (2018-2020 йй.)


Навлар	Экиш муддатлари	Ҳосилдорлик, ц/га			Ўртача	Қўшимча ҳосил, ц/га
		2018	2019	2020		
Жавохир	1.10 (назорат)	9,7	14,1	15,9	13,2	-
	21.10	12,8	17,2	18,7	16,2	3,0
	11.11	10,6	15,0	16,1	13,9	-0,7
	1.12	8,2	12,3	14,5	11,7	-1,5
Мингчинор	1.10 (назорат)	12,1	16,0	17,2	15,1	-
	21.10	14,0	19,6	20,5	18,0	2,9
	11.11	13,0	17,0	18,1	16,0	0,9
	1.12	10,2	14,3	16,2	13,6	-1,5
Лангар	1.10 (назорат)	10,2	15,6	16,3	14,0	-
	21.10	13,5	18,9	19,8	17,4	3,4
	11.11	11,4	16,7	17,1	15,1	1,1
	1.12	8,0	13,4	14,4	12,0	-2,0
Ёқут-2014	1.10 (назорат)	10,8	15,4	16,5	14,2	-
	21.10	13,3	18,3	19,3	17,0	2,8
	11.11	11,4	16,2	17,7	15,1	0,9
	1.12	8,9	13,5	14,8	12,4	-1,8
ЭКИФ ₀₅ =		0,97	1,39	1,51		
S _x (%) =		3,08	3,10	3,14		
Экиш муддати (А омил) учун: ЭКИФ ₀₅		0,69	1,00	1,09		
Навлар (В омил) ва узаро таъсир учун: ЭКИФ ₀₅		0,69	1,00	1,09		

Кейинги ривожланиш фазасида сут, мум пишишда фотосинтез соф маҳсулдорлиги 21 октябр ва кейинги муддатларда экилганда бу фазада фотосинтез соф маҳсулдорлиги ошиб бориши кузатилган. Қаттиқ буғдойни ўртача вегетацияси бўйича фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,98 дан 2,58 г/м² кун гача ўзгарган.

Қаттиқ буғдойнинг Жавохир нави 21 октябрда экилганда дон ҳосили гектаридан 16,2; Мингчинор нави 18,0; Лангар нави 17,4; Ёқут-2014 нави 17,0 центерни ташкил қилган. 1 октябр (назорат)да экилганда дон ҳосили 21



октябрдаги муддатда экилганга нисбатан Жавохир навида гектаридан 3,0; Мингчинор навида 2,9; Лангар навида 3,4; Ёқут-2014 навида 2,8 ц камайган.

Экиш 21 октябрдаги муддатдан 20 кунга кечиктирилиб, 11 ноябрда ўтказилганда дон ҳосили Жавохир, Мингчинор, Лангар, Ёқут-2014 навларида мувофиқ ҳолда 2,3; 2,0; 2,3; 1,9 га/ц камайган. Экишни яна 20 кунга кечиктирилиб, 1 декабрда ўтказилганда дон ҳосили шу навларга мувофиқ ҳолда 4,5; 4,4; 5,4; 4,6 га/ц камайган (1-жадвал).



3-расм. Экиш муддатлари ва меъёрларини қаттиқ бугдой навлари ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (Мингчинор нави, 2017-2020 й.)

Мингчинор навини 21 октябр муддатида экиш меъёри гектарига 2,0 млн.донадан 2,5 млн.донагача кўпайтирилганда дон ҳосили гектаридан 1,2 ц га ошган. Экиш меъёрини гектарига 2,5 млн. донадан 3,5 млн.донага оширилганда дон ҳосили гектаридан 0,2 ц га камайган (3-расм).



4-расм. Қаттиқ бугдой навлари ҳосилдорлигининг экиш муддатлари ва меъёрларига коррелятив боғлиқлиги.

Қаттиқ буғдой навлари ҳосилдорлигининг экиш муддатларига боғлиқлиги статистик таҳлил қилинганда, кўрсаткичлар орасида эгри чизиқли тавсифга эга бўлган боғлиқлик мавжуд бўлиб, регрессия тенгламаси $y = 9,63 + 6,15x - 1,38x^2$ ва корреляция коэффиценти $r = 0,96$ га тенглиги аниқланган. Ҳосилдорликнинг экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлиги статистик таҳлил қилинганда ҳам кўрсаткичлар орасида эгри чизиқли тавсифга эга бўлган боғлиқлик борлиги аниқланган (4-расм).

Диссертациянинг “**Лалмикор ерларда қаттиқ буғдой етиштиришда экиш муддати ва меъёрларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги**” деб номланган бешинчи бобида, сарфланган ҳаражатлар, даромад, соф фойда, рентабеллик даражаси ҳамда ишлаб чиқариш тажрибалари натижаларига оид маълумотлар келтирилган.

Лалмикор ерларда янги қаттиқ буғдой навларини ўстиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики янги навлардан Мингчинор ва Лангар навлари юқори ҳосилни шакллантириши ҳисобига энг юқори иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини 21 октябрда экилган пайкалларда кузатилган. Тажрибада 1 гектардан олинган ялпи даромад навларга мувофиқ ҳолда 3673,0; 3550,6 минг сўмни, рентабеллик даражаси 62,5; 57,2 % ни, 1 ц дон таннархи 125,6; 129,8 минг сўмни ташкил қилган.

Экиш муддатлари ва меъёрларининг қаттиқ буғдой етиштиришдаги иқтисодий самарадорлиги Мингчинор навида ўрганилганда, мақбул экиш муддатида (21 октябр) экиш меъёри гектарига 2,5 млн.унувчан уруғдан камайтирилганда ёки оширилганда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари камайган.

Экиш меъёри гектарига 2,5 млн унувчан уруғ бўлганда сотилган ялпи маҳсулот баҳоси 3795,5 сўм, шартли соф даромад 1495,7 сўм, 1 ц дон таннархи 123,6 сўм, рентабеллик даражаси 65,0% бўлган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқотларимизда қаттиқ буғдой уруғларининг энг юқори унувчанлиги 21 октябрда экилганда кузатилди, яъни уруғлар унувчанлиги 1 октябр (назорат)да экилгандагига нисбатан Жавохир, Мингчинор, Лангар, Ёқут-2014 навларига мувофиқ ҳолда 2,9; 2,7; 3,2; 3,3 % га ошди. Экиш муддати кечикиши билан барча қаттиқ буғдой навлари уруғларини дала унувчанлиги камайиши кузатилди. Бу кўрсаткич декабр ойининг биринчи ўн кунлигида 21 октябрда экилганга нисбатан Жавохир навида 5,8; Мингчинорда 6,1; Лангарда 6,3; Ёқут-2014 да 6,4 % га камайди. Мингчинор навида экиш муддатларининг 21 октябрдан кечикиши 2,1% ва меъёрларини ошиб бориши билан 6,6 % уруғларнинг дала шароитида унувчанлиги камайиши аниқланди.

2. Қаттиқ буғдойнинг тўртала навида ҳам энг юқори қишга чидамлилиги 21 октябрда экилган муддатда аниқланган бўлиб, бунда Жавохир навида 111,7 дона (68,4 %), Мингчинор навида 127,5 дона (76,1 %), Лангар навида 123,4 дона (74,5 %) ва Ёқут-2014 навида 115,5 дона (69,3 %) бўлди. Бу муддатда экилган Мингчинор навининг қишга чидамлилиги экиш

меъёрларининг гектарига 2,0 млн.дан 3,5 млн.донагача ошиб бориши билан 74,7 % дан 68,6 % га ёки 6,1 % га камайди. Мингчинор ва Лангар навлари Жавохир ҳамда Ёқут-2014 навларига нисбатан қишга чидамлилиги юқори бўлиши аниқланди.

3. Қаттиқ буғдой навларининг бўйи экиш муддатларининг кечикиб бориши билан пасайганлиги, ётиб қолишга чидамлиги ошганлиги аниқланди. Жавохир (104,5 см) ва Ёқут-2014 (103,6 см) навлари Мингчинор (93,1 см) ва Лангар (93,4 см) навларига нисбатан ўсимликнинг бўйи баланд бўлгани билан ётиб қолишга мойиллиги ушбу навларда кам эканлиги аниқланди.

4. Экиш муддатларининг кечикиши билан қаттиқ буғдой навлари ўсув даври қисқарганлиги, Жавохир ва Ёқут-2014 навларининг ўсув даври мувофиқ ҳолда (193; 191 кун) Мингчинор ҳамда Лангар навлари (196; 198 кун)га нисбатан 2-7 кун қисқа эканлиги кузатилди. Мингчинор навида экиш меъёрларини гектарига 2,0 млн. дан 3,5 млн.дона унувчан уруғгача ошиши ҳисобига ўсув даври 3-7 кун ва фазалараро даври 1-4 кунга қисқарганлиги аниқланди.

5. Мингчинор навини гектарига 2,0 млн.унувчан уруғ экилганда туплаш фазасида энг юқори ер устки массаси (28,5 г) ва яхши ривожланган илдиз тизими (13,6 г) ҳамда ўсимликнинг илдиз билан таъминланганлиги 47,8 % бўлиши аниқланди. Барча экиш муддатларида экиш меъёрини оширилиши билан ўсимликни илдиз, ер устки массаси, илдиз билан таъминланганлик даражаси ҳам камайиб борди. Буғдой мум пишиш фазасида ҳам шу вариантда юқори илдиз 64,9 г, ер устки массаси 487,6 г ва ўсимликни илдиз билан таъминланганлик даражаси 13,3 % бўлганлиги қайд этилди.

6. Қаттиқ буғдойнинг ассимиляцияцион юзаси баҳорги тупланиш даврида 1 октябр (назорат)да гектарига 2,5 млн унувчан уруғ экилганда 13,1 минг м²/га, 21 октябрда 14,7 минг м²/га, 11 ноябрда 6,5 минг м²/га, 1 декабрда 5,3 минг м²/га ни ташкил этганлиги ва ФП, ФСМ, қуруқ модда тўпланишига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири аниқланди.

7. Қаттиқ буғдой 21 октябрда экилганда тўрттала навларда ҳам энг юқори 1 м² даги маҳсулдор поялар сони навларга мос равишда 189,0; 219,8; 209,3 ва 197,7 дона ҳосил бўлганлиги аниқланди. Худди шу экиш муддатида бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони, битта бошоқдаги донлар сони ва 1000 та дон массаси каби кўрсаткичлар ҳам юқори бўлиши аниқланди. Экиш муддатини эрта 1 октябр ёки кеч 11 ноябр ва 1 декабрда ўтказиш ҳосил структураси элементларини камайишига ва шунингдек экиш меъёрини ошириш ҳам бу кўрсаткичларни пасайишига олиб келди.

8. Қаттиқ буғдойнинг Жавохир, Мингчинор, Лангар ва Ёқут-2014 навларига мувофиқ ҳолда 1000 дона дон массаси (38,3; 45,1; 42,4; 41,2 г) ва дон натураси (820,5; 815,8; 799,4; 800,3 г/л) энг юқори мақбул экиш муддатида (21.10) кузатилган бўлса, шишасимонлиги эса, кечки (1.12) муддатда экилганда (84,1; 82,8; 79,1; 82,0 %) юқори бўлди. Мингчинор навини барча экиш муддатларида экиш меъёрларининг ошиб бориши билан мос равишда 1000 дона дон массаси (3,9; 4,5; 6,0; 2,9 г), дон натураси (30,0;

21,0; 20,0; 25,9 г/л) ва шишасимонлиги (8,6; 6,4; 10,7; 11,0 %) камайиб борди. Қаттиқ буғдой навлари донида юқори оксил (14,6-15,3 %) ва клейковина миқдори (28,8-32,3 %) кечки (1.12) экиш муддатларида бўлган бўлса, 1 гектардан оксил ва клейковина чиқими мақбул экиш муддати 21 октябрда энг кўп бўлиши аниқланди. Мингчинор навида экиш меъёрларини ошиб бориши билан дон таркибида оксил ва клейковина миқдори камайиб бориши, бир гектардан оксил ва клейковинанинг энг юқори чиқими мақбул меъёра гектарига 2,5 млн. унувчан уруғ экилганда мувофиқ ҳолда 2,66; 5,77 ц олинди.

9. Қаттиқ буғдой Жавохир, Мингчинор, Лангар ва Ёқут-2014 навларининг энг мақбул экиш муддати 21 октябрда экилганда дон ҳосилдорлиги навларга мувофиқ ҳолда 16,2; 18,0; 17,4; 17,0 ц/га бўлиб бошқа экиш муддатларига нисбатан ошган. Энг кам дон ҳосилдорлиги барча навларда 1 декабр муддатида экилганда кузатилди. Экиш муддатлари ва экиш меъёрларининг ўзаро боғлиқлиги ўрганилганда Мингчинор навида 21 октябрда гектарига 2,5 млн. унувчан уруғ меъёрида экиш юқори дон ҳосилини гектаридан 18,6 ц шакллантирди. Экишни мақбул муддатдан 11 ноябр ва 1 декабрга кечикиши билан экиш меъёрларини гектарига 2,5 млн. дан 3,0 млн. дон унувчан уруғгача ошириш дон ҳосилини гектарига 1,2 ц га кўпайишига эришилди.

10. Қаттиқ буғдойнинг Жавохир, Мингчинор, Лангар, Ёқут-2014 навларини 21 октябрда экилганда рентабеллик даражаси энг юқори бўлиб, навларга мувофиқ ҳолда 46,5; 62,5; 57,2; 53,6 % ва 1 ц дон таннархи бошқа экиш муддатларига нисбатан паст бўлиши аниқланди. Қаттиқ буғдой навлари ичида Мингчинор навини турли экиш муддатлари ва меъёрларида ўстиришнинг юқори иқтисодий самарадорлиги 21 октябрда экиш меъёри гектарига 2,5 млн. дон унувчан уруғ экилганда етиштирилган дон ҳосили (18,6 ц/га) юқори бўлиши ҳисобига ялпи маҳсулот баҳоси 3795,5 минг сўм/га, шартли соф фойда 1495,7 минг сўм/га олишга эришилди.

11. Қашқадарё вилоятининг лалмикор нам билан ярим таъминланган кир-адирлик минтақасининг типик бўз тупроқлари шароитида ўтмишдош сифатида тоза шудгор бўлган далаларга қаттиқ буғдойнинг янги Жавохир, Мингчинор, Лангар ва Ёқут-2014 навларини октябр ойининг учинчи ўн кунлигида экиш;

- Мингчинор нави дон ҳосили ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминлаш учун экиш муддатини октябр ойининг учинчи ўн кунлигида гектарига 2,5 млн. дон унувчан уруғ (100-105 кг/га) ҳисобида экиш, кеч муддатда (ноябр ойини иккинчи ва декабр ойининг биринчи ўн кунлигида) экилганда эса, экиш меъёрини 3,0 млн. дон унувчан уруғ (120-125 кг/га) ҳисобида экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЮЖНОГО
ЗЕМЛЕДЕЛИЯ**

КАРШИЕВ АЛИШЕР ЭШМАМАТОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ СРОКОВ И НОРМ ПОСЕВА НА УРОЖАЙНОСТЬ ЗЕРНА
НОВЫХ СОРТОВ ТВЕРДОЙ ПШЕНИЦЫ В БОГАРНЫХ УСЛОВИЯХ
КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

06.01.08 – Растениеводство

АФТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Министерства высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/Qx574

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте Южного земледелия.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tsau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Бобомирзаев Пирназар Хурсанович доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Официальные оппоненты:	Атабаева Халима Назаровна доктор сельскохозяйственных наук, профессор Бозоров Холмурод Махмудович доктор философии по сельскохозяйственным наукам (PhD), старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт богарного земледелия

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится на заседании Научного совета DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете 29 августа 2023 года в 9⁰⁰ часов (Адрес: 100164, г. Ташкентская область, Кибрайский район, улица Университетская, корпус 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuaginfo@edu.uz. Административный корпус ТашГАУ. 2-этаж конференц-зал).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирован под номером 549075). Адрес: 100164, г. Ташкентская область, Кибрайский район, улица Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра Тел: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан 4 августа 2023 года
(реестр протокола рассылки №14 от 4 августа 2023 года.)



Г.Р.Холмуродова
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.-
х.н., профессор

А.А.Иминов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с.-
х.н., профессор

Ф.Б.Намозов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире площадь богарных земель составляет 1,4 миллиардов гектаров, что составляет 85-87% от общей площади сельскохозяйственных угодий¹. Богарные земли широко распространены в основном в Афганистане, Иране, Китае, Индии, Пакистане, Судане, Турции и странах Центральной Азии, богарные земли, имея большое значение, дают возможность эффективно использовать неорошаемые площади в сельскохозяйственном развитии. Твердая пшеница – это культура жаркого и сухого климата. Твердая пшеница является одной из самых важных зерновых культур, и по всему миру на площади более 17 млн. гектаров выращивается 38,1 млн. тонн зерна твердой пшеницы. “Ведущими странами мира по выращиванию твердой пшеницы являются Канада (5,2 млн.т), Италия (4,3 млн.т), Турция (3,7 млн.т), США (2,3 млн.т), Казахстан (2,2 млн.т), Сирия (2,2 млн.т), Алжир (2,2 млн.т), Франция (1,9 млн.т), Марокко (1,8 млн.т), Греция (1,1 млн.т), Испания (1,0 млн.т), Тунис (1,0 млн.т).”² В нашей стране твердая пшеница возделывается на площади 4,0 тыс. га, и высевается в основном в Кашкадарьинской, Джизакской и Самаркандской областях. Одними из актуальных задач являются определение оптимальных сроков и норм посева возделывания твердой пшеницы, а также совершенствование важных агротехнологических элементов ее возделывания.

Принимая во внимание, что в мире спрос на выращивание в качестве важнейшего сырья для макаронной и кондитерской промышленности твердой пшеницы (*Triticum durum*) с каждым днем возрастает, большое внимание уделяется эффективному использованию богарных земель. В настоящее время одним из наиболее актуальных вопросов для дальнейшего укрепления продовольственной безопасности и удовлетворения потребности населения в макаронных и кондитерских изделиях является выращивание высококачественного зерна из сортов твердой пшеницы, важное значение имеют исследования, проводимые по совершенствованию агротехнологий его возделывания.

В качестве приоритетных направлений, установленных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5853 от 23 октября 2019 года «О Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» отмечено “последовательное развитие сельскохозяйственного производства, обеспечение продовольственной безопасности населения, рациональное использование земельных ресурсов и обеспечение охраны окружающей среды, освоение 1,1 млн.га сельскохозяйственных угодий, повышения эффективности использования 535,6 тыс. га богарных земель, внедрение механизмов интервенций на рынке зерноколосовых культур, повышение урожайности и конкурентоспособности сельскохозяйственной

¹<http://www.fao.org> 2020.

²Agronomy 2020, 10, 432; doi:10.3390/agronomy10030432

продукции»³, выполнение которых считается важной задачей, в связи с этим выбранная тема диссертационной работы является актуальной и востребованной.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлением Кабинета Министров № 546 от 8 сентября 2020 года «О мерах по выращиванию зерноколосовых культур в 2021 году», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

